## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

## 295 Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўгрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-3

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ−372-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қушимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йуҳотган деб топиш тӱгрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

- 1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 223-мҳ-сон буйруғи (руйхат рақами 2149, 2010 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2010 й., 42-43-сон, 369-модда) билан тасдиқланган Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби туррисида низомга иловага мувофиқ узгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур буйруқ давлат руйхатидан утказилсин ва бу ҳақда Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат руйхатидан утказиш бошқармаси (О. Ҳакимов) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.
- 3. Қонун хужжатларини туркумлаш ва хуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Саъдуллаев) хамда Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси (Д. Якубова) ушбу идоравий норматив-хуқуқий хужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами» «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.
- 4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
- 5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари О. Муродов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш., 2014 йил 9 июнь, 156-мҳ-сон 24 (628)-сон

295-296-моддалар

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 9 июндаги 156-мҳ-сон буйруғига ИЛОВА

## Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўгрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 16-банд куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тулдирилсин:

«Судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятта рахбарликни амалга оширувчи ва ушбу фаолиятни назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган стажёрлар учун стажировкадан ўтиш муддати бир йилни ташкил этади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб хисоблансин.

- 2. 27-банд «якунида» деган сўздан кейин «, мазкур Низомнинг 16-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган стажёр эса ҳар чорак якунида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
  - $3.\ 28^{\scriptscriptstyle 1}$ -банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тулдирилсин:
- «Мазкур Низомнинг 16-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган стажёрлар ушбу банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган масалалар бўйича ҳар чорак якунида синовдан ўтказилади.».